

KONSAUDITINFORM AGENTLIGI

Аудиторлик ташкилоти, маъсулияти чекланган жамияти

O'zbekiston Respublikasi, 100070, Toshkent-shahri, Shota Rustaveli ko'chasi, 41.
Telefon: (+998-71) 256-05-51, 255-02-95, 256-47-27 Faks: (+998-71) 256-05-51, www.konsaudit.uz, konsauditinform@mail.ru
X/R: 20208000900600296001, "NAMKORBANK" ATB Yakkasaroy filiali, MFO 01013, STR: 201 800 335, OKED: 69202

«QASHQADARYO NEFT-GAZ QURILISH VA TA'MIRLASH» AKSIYADORLIK
JAMIYATINING 2020 ЙИЛ 31 ДЕКАБРЬ ХОЛАТИДАГИ МОЛИЯВИЙ ХИСОБОТИГА
ИЗОҲЛАР БИЛАН ФИКР БИЛДИРИЛГАН
ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Буюртмачи: «Qashqadaryo neft-gaz qurilish va ta'mirlash» акциядорлик жамияти
Хисоб рақами: 2021 0000 9001 8726 0001, АТБ «Турон банки» Кашкадарё филиали
СТПР: 200 666 828
ОКЭД: 42 210

Аудитор хисоботи тузилди: АТ «KONSAUDITINFORM» Агентлиги МЧЖ
Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси 41 уйда жойлашган,
Банк: АТБ «Хамкорбанк» Яккасарой бўлими,
Хисоб рақами: 2020 8000 9006 0029 6001
СТПР: 201 800 335,
ОКЭД: 69 202,
МФО: 01013.

Мен, «KONSAUDITINFORM» Агентлиги МЧЖ аудитори Тўйчиев Ш. А. (2019 йил 05 октябрдаги №04753 сонли аудитор малака сертификати) томонидан «Qashqadaryo neft-gaz qurilish va ta'mirlash» акциядорлик жамияти ўртасида 25.01.2021 йил имзоланган №12/21 сонли шартномага асосан «Qashqadaryo neft-gaz qurilish va ta'mirlash» акциядорлик жамиятининг 2020 йил молиявий ҳисоботининг ишончлигини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

«Qashqadaryo neft-gaz qurilish va ta'mirlash» акциядорлик жамияти илова қилинган молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказилди. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Аудиторлик текшируви Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказилди. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради, деб ҳисоблайман.

Изохлар билан фикр билдириш учун асос

Корхонанинг 2020 йилги йиллик бухгалтерия балансида “Ходимларга иш хақи бўйича берилган бўнақ” ва 6710 “Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар” счёти бўйича қолдиғи ва бухгалтерия ҳисобида фарқлар мавжуд. Шунингдек, дебитор ва кредитор қарзлар қолдиғи ҳаттолик билан акс эттирилган. Ушбу ҳаттоликларга тегишли тузатишлар киритиш лозим бўлади.

Изохлар билан фикр билдириш

Бизнинг фикримизча, изохлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботга таъсиридан ташқари «Qashqadaryo neft-gaz qurilish va ta'mirlash» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ишонarli акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ «Консаудитинформ» аудиторлик
ташкilotи директори



Тулаков А.А.

Аудитор:

Тўйчиев А.А.

Хулоса тузилган сана: 2021 йил, 30 апрель